


ИШОНЧ

Ушбу сонда:

- 2 МАЪНАВИЯТСИЗ "ТАРАҚҚИЁТ"
ёхуд бир ёқлама "юксалиш" оқибатлари
- 3 АДАБ
ДУРДОНАЛАРИ
- 4 ТОМЧИСИ ЗАРГА
ТЕНГ ДЕЙМИЗ-У...
аммо унинг қадрига етмаймиз

• 2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили



Эл соғлиги — юрт бойлиги

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Айниқса, ҳукуматимиз томонидан кўрсатилган таътирлик ва эътибор туфайли соҳада бир қанча ижобий ўзгаришлар кузатилаётди.

Хусусан, Чиноз туманидаги марказий поликлиникада тиббий хизматни юқори савияга кўтариш, эл соғлигини мустаҳкамлаш йўлида бир қатор ибратли тадбирлар амалга оширилди. Хозирги вақтда энг шарафли ва шу билан бирга масъулиятли касб соҳиблари хизматидан ҳудудда истиқомат қилаётган 35 минг нафар аҳоли баҳраманд бўлимоқда.

Бу ерда 15 мингга яқин болалар ва ўсмирлар ҳамда 14 минг 742 нафар туғиш ёшидаги аёлларга қулайлик яратилган бўлиб, кўпгина участкаларда поликлиника шохбачалари ташкил этилган.

— Бизнинг ишимизда, — дейди поликлиника бош шифокори А.Қосимов, — касалликларни ўз вақтида аниқлаш, тарғибот ишларини тўғри йўлга қўйиш, айниқса, оналар ва болалар соғлигини ҳимоялаш, эмлаш ишларини мuddатда ташкил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда тиббиёт масканларида аҳоли тиббий саводхонлигини ошириш, ходимларнинг маънавий дунёқарашини кенгайтириш борасидаги ишлар қўламага катта эътибор берилмоқда.

А.АЛЛАМУРДОВ,
"Ишонч" мухбири

Суратларда: ҳамшира Ҳилола Усмонова; жарроҳлик бўлими шифокори Эркин Утегенов, ҳамширалар Қурбонгул Қувонишова ҳамда Дилдора Абдурахмоновалар ренгтен натижалари билан танишмоқда.

• Ҳамшира — 2006

ҒОЛИБГА — "МАТИЗ" АВТОМАШИНАСИ

Олмалик шаҳри "Металлургия" саройида "Ҳамшира-2006" Республика кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Ҳамшира — эғнидаги оппоқ халатдек беғубор калб эгаси. Унинг меҳрга тўла кўзларида бутун бир олам мужассам. Бемор соғлиғидаги ҳар бир ҳолатни кузатишдан, унинг шифо топишида ўзининг куч ва билимини аямайидиган, шифокор белгиланган барча муолажаларни виждонан бажарадиган айнан шу ширинсўз инсондир.

Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан Соғлиқни сақлаш вазирлиги, тармоқ ходимлари касабга уюшма Марказий кенгаши, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан 14 нафар ҳамшира ўзаро беллашди.

Танлов беш босқичдан ibорат бўлиб, кўриқнинг I-III шартларида кўриқчилар соҳага ва ижтимоий-сиёсий билимларга доир саволларга жавоб бердилар. IV босқичда эса иштирокчилар наза-

рий билимларини амалиётда кўрсатишлари керак эди. Бу синов бўйича улар Республика Шошилинч тиббий ёрдам илмий марказида ўз маҳоратларини намойиш этишди. Ушбу жараёнинг жонли ташкил этилганлиги унинг ниҳоятда қизиқарли ўтишига сабаб бўлди. Жумладан, тиббиёт муассасасида мурожаат қилган беморни қабул қилишдан то тиббий муолажага қадар дори-дармондан ва замонавий асбоб-ускуналардан тўғри фойдаланиш борасида уларнинг малакаси жиддий синовдан ўтди.

Якуний босқич бўйича қизлар санъатини исталган бир турти бўйича ўз қобилиятларини кўрсатдилар.

— Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурини амалга табиқ этишда ҳамшираларнинг ўрни каттадир, — дейди Соғлиқни сақлаш ходимлари касабга уюшмаси Марказий кенгаши раиси, ҳай'ат аъзоси Озода-Мухитдинова. — Бу тадбир ўрта тиббиёт ходимларига билимларини яна бир бор синаб кўриш имконини берди.

Мана, кутилган дақиқалар ҳам етиб келди. Касб маҳоратларини ва билимларини бекаму кўст намойиш этган Юқори Чирчиқ туман марказий шифохонаси реанимация бўлими ҳамшираси Уғилжон Қосимова биринчи ўрин соҳибасига айланди. Иккинчи ўринга Наманган вилояти, РШТЁИМ Наманган филиали хирургия бўлимининг операция б-лики ҳамшираси Ульяна Насретдинова муносиб деб топилди. Эллиқалфа туман марказий шифохонаси шошилинч тиббий ёрдам бўлими ҳамшираси Зилха Нурмаханова учинчи ўрин насиб этди. У.Қосимова "Матиз" автомашинаси ҳамда тиббиёт институтига имтиёзли киришга йўлланма билан тақдирланди. У.Насретдинова ва З.Нурмахановалар эса рангли телевизор эгаси бўлдилар.


Тиббиёт ходимларининг касб байрами арафасида ўтказилган бу кўрик-танловда иштирок этган барча қатнашчиларга эсдалик совгалари топширилди.

Р.МАҲҚАМОВА,
"Ишонч" мухбири

• Куёш энергияси

Мамлакат иқтисодини ривожлантириш, энергетика тизимини юксалтиришда табиий бойликлардан самарали фойдаланиш муҳим ўринни эгаллайди. Кизилкум ва Устюрт кенгликларидан эл-юрт қорвасини кўпайтириш йўлида фидойи меҳнат қилаётган қорвадорлар турмуш тарзини яхшилашга қаратилган бир қатор лойиҳа ва дастурлар амалга ошириляпти. Оролбўйининг 1,5 мингга яқин овуллари шаҳар ва туман марказларидан 150-300 километр узоқликда жойлашган. Республика ҳукумати халқаро таъкилотлар билан биргаликда олис аҳоли турар-жойларида энергия таъминотини тўғри йўлга қўйиш тадбирларини ишлаб чиқди.

ИҚТИСОДИЙ ТЕЖАМНИ, ЭКОЛОГИК ТОЗА



Мана уч йилдирки, Бир-лотинг Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда "Қорақалпоғистон овуллари учун экологик тоза энергия" дастури қўлланиляпти. Лойиҳанинг биринчи босқичида Нукус шаҳридан олис масофадаги овуллар хонадонларига куёш энергияси етказиб беришга киришилди. Республика пойтахтидан 120 какирим узоқликда жойлашган "Мулк" қорақўлчилик ширкати қарашли "Кустурба" йилловидан қорвадорлар куёш нури орқали электроэнергия хосил қиладиган ускуналардан фойдаланишга татбиқнинг гувоҳи бўлди.

Ҳужалик раҳбари Дуйсенбой Уринбоев ва ерлик аҳолининг таъкидлашича, янги технология ўтовларни ёритиш билан бирга қорвачилик учун зарур кичик механизмларни ишлатишда ҳам қўл келяпти. 2003-2004 йилларда бундай куёш батареяларидан 15 таси ўрнатилди. "Кичик электр станция"ларининг қулайлиги шундаки, тунларга етарли миқдорда ёруқлик етказиб берилиб, ўтовлар ва овул хонадонларини қароғон бўляпти. Хотин-қизлар бемалол гилам тўқишляпти, ўқувчилар дарс тайёрлаш билан машғул, қариялар ва болалар "Зангори экран" кўрсатувларини томоша қилиб, радио эшитишляпти.

— Минтақамиз табиатан йилига 260-270 куёшли кунларга тўғри келади, — дейди "Қорақалпоғистон овуллари учун экологик тоза энергия, иккинчи босқич" лойиҳаси раҳбари Дўстберган Мусаев. — Нур тарқатиш даражаси 1,34-1,45 км ташкил этади. Қорақалпоғистонда хосил бўладиган куёш энергияси миқдори 19,548 миллион тонна нефть ёқилгиси қувватига тенг.

Олимларнинг аниқлашича, куёшдан таралаётган нурлар экологик тоза бўлиб, энергетика захираларининг битмас-туганмас манбаидир. Ундан оқилона фойдаланиш қорақалпоқ овулларида яшайдиган фуқаролар учун қулай ва фойдали, арзон ва тежамли бўлиб, халқ турмуш шароитини яхшилаш имконини беради.

БМТнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ва табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси маблағлари ҳисобига Тахтакўпир туманидан ташқари Қораўзакнинг Кўйбоғ овулида 15 та кичик ёритиш ва 10 та сув чиқариш қурилмалари ўрнатилди. Бу ускуналар хонадонлар ва ўтовларга табиий энергия етказиб бериш билангина чекланиб қолмасдан, балки телерадио хизматидан фойдаланишда ҳам қўл келяпти.

Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан лойиҳанинг иккинчи босқичида 21 та кам таъминланган оилага табиий энергия билан ишлайдиган ускуналар қўриб берилди. Бундай қурилмаларни Қорақалпоғистонгагина эмас, айни пайтда Хоразм, Бухоро ва Навоий вилоятлари йилловларида яшаётган қорвадорларга ҳам ўрнатиб бериш мўлжалланмоқда.

Инсон ҳамма нарсага қодир. Эндиликда у табиий ресурслардан ҳам ўз эҳтиёжи йўлида фойдаланаяпти. Куёш батареялари халқ ҳужалиги ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш учун хизмат қилаётганлиги, фан ютуқлари ишлаб чиқаришда кенг қўлланилётганлиги атраф-муҳит мусоффолигини таъминлаш ва мамлакат энергетика мажмуаси захираларини тежаш борасида олиб борилаётган илғор тажрибалар самарасидир.

Иzzат ҲИҚМАТОВ,
"Ишонч" мухбири

• Эртани ўйлаб

Маҳалламиздаги мактаб деворлари нуроб, эшик-деризалари, бор жихозлари бир аҳволга келиб қолганди. Вазиrлар Маҳкамасининг "2004 — 2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури тўғрисида"ги қарордан сўнг ҳеч бир муболага-сиз чинакам жонланиш юз берди.

Таъмирлаш ишлари юзасидан ўтказилган тендерда ғолиб чиққан "Анфа" фирмаси қурилиш ишларини жадал ва бекаму кўст олиб борди. Қўшимча 210 ўринли синфхоналар, спорт зали, ошхона бунёд этилди. Илгари 960 ўқувчи таълим олса, бугунга келиб 1500 ўқувчи таълим-тарбия оладиган мактабга айланди. Барча ўқув жиҳозлари янгиланди, компьютерлар келтирилди. Таъмирлаш ишларига жами 832 миллион сўм сарфланди.

Мактаб маъмурияти ва бошланғич касабга уюшма ташкилоти бир ёқадан бош чиқариб, таълим-тарбия савиясини кўтариш, ёш кадрларни жалб этиш, мактабни малакали, билимли, тажрибали ўқитувчилар билан таъминлаш, кеска ўқитувчиларнинг хурматини жойига қўйиш ва уларни моддий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга жиддий эътибор қаратмоқда. Бу борада кўпгина ишлар қилинди ва қилинмоқда. Жумладан, 48 нафар ўқитувчи 15 — 25 фоиз устама ҳақ олмақда. Бундан ташқари, Директор жағмармаси ҳисобидан ҳамда шаҳар касабга уюшма вакилиги томонидан шаҳар, вилоят миқёсида

ўрناق кўрсатган, жамoa ишларидан фаол қатнашаётган ўқувчилар ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлан-тирилмоқда.

Кўрсатилаётган гамхўрликлар ўз самарасини бермоқда. Билимли, ғайратли, илмга чанқоқ ўқитувчи ҳамда ўқувчилар шаҳар, вилоят ва республика кўрик-танловларида, олимпиадаларда фаол иштирок этиб, фахр-ўринларни эгалламоқдалар.

БИР ЁҚАДАН БОШ ЧИҚАРИБ

Жумладан, биология фани ўқитувчиси Нигора Нурматова "Илнинг энг яхши ўқитувчиси" кўрик-танловида Республика миқёсида биринчи ўринга лойиқ деб топилди. "Ёз — 2006", "Умид ниҳоллари" спорт мусобақасида, "Йўл ҳаракати" хавфсизлиги бўйича ўтказилган "Яшил чироқлар" кўрик-танловида ҳам ўқувчиларимиз юзимишни ерга қаратиб қўйишмади. Бу ютуқларнинг барчасида касабга уюшмасининг ўрни катта. Мактабда ходимларнинг иш фаолиятларини ўрганиб, уларни моддий рағбатлантириш бўйича махсус комиссия ташкил этилган. Бунда яхши ишлаган ходимларнинг оилавий шароити, касбга бўлган муносабати эътиборга олинади.

Янги ўқув йилида ўқувчилар бир хил формада келиши ҳақидаги масала кўрилганда, ҳомий ташкилотлар ўз ёрдамларини тақдир этдилар. Кам таъминланган оила-ларга Суярул Тўйчиев, Бахтиёр Жўраев, Абдунаби Абдурахмонов каби фермерлар ёрдам қўлини чўздилар. Тикувчилар учун иккита синфхона бўшатиб берилди. Кийимлар мактабнинг ўзида тикилиб, камҳарajat оила фарзандларига тарқатилди.

Ҳар йил мактабни битириб кетган ўқувчиларни "Сўнгги кўнги-

БИР ЁҚАДАН БОШ ЧИҚАРИБ

роқ" байрамига тақдир этиш аниҳанага айланган. Бу йил ҳам мактабни битирган ўқувчилар мактаб кутубхонасига 100 минг сўмлик бадий китоблар совға қилдилар.

Мактабимиз ҳудудидаги 5,5 гектар майдонни ҳозирги кунда гулзорга, мевали боғ-роғга айлан-тириш борасида маъмурият ва бошланғич касабга уюшма ташкилоти, ота-оналар ва ўқувчилар ҳамкорлигида катта ободонлашти-риш ишларини олиб бормоқда.

Каромат АБДУЛЛАЕВА,
Жиззах шаҳар Шукур Саъду-ла номили 11-ўрта мактабнинг касабга уюшма қўмитаси раиси

Обуна — 2007



Азиз муштарийлар!
Мамлакатимизда фаолият юритаётган газеталарнинг ҳар бири ўз овози, ўз муҳлисига эга.

Улар орасида инсон манфаатларини ҳимоя қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси нашри бўлиши «Ишонч» газетасининг ҳам ўзига хос ўрни бор.

Газета жамоаси келгуси йилда ҳам Сиз, азиз муштарийлар кўнглидаги гапларни айтишни, долзарб мавзуларда чиқишлар қилишни режалаштирган.

Шундай экан, сеvimли газетангизга келгуси йил учун обуна бўлишни унутманг!
«Ишонч» сизнинг ишончли ҳамкорингиз!

Ҳикмат

Яхшилик мурод-мақсадларнинг калитидир.

• Ахборот

МАДАНИЙ ҲАМКОРЛИК

Бухоро шаҳридаги Абу Али ибн Сино номили маданият саройида Хинди-стон давлати элчихона-сининг Лайл Баҳодир Шастри номили Хинд Ма-даний марказининг бер-ган концерти тадбир иш-тирокчиларида унутил-мас таассурот қолдирди. Айниқса, "Тоғмаҳал" гу-руҳининг жозибали ракс ва кўшиқларига қўшилиб куйламаган томошабин қолмади.

Дарҳақиқат, азалдан Ўзбекистонни бу буюк мамлакат билан кенг қам-ровли алоқалар боғлаб турган.

Халқларимиз ўртаси-даги 4-5 минг йиллар илгари Буюк Ипак Йўли орқали мустаҳкам савдо-сотик ишлари олиб бо-рилган.

Хиндистонда туғилиб ўсган, аммо Бухорода истиқомат қилган ҳинд хунармандлари ниҳоятда кўп бўлган. Шунингдек, бухоролик шоир Муҳам-мад Авфий Хиндистонда паноҳ топган. Ҳозирги кунда бу мамлакатда 200 миллионга яқин киши гаплашадиган урду тили ҳам халқларимиз мада-ний алоқаларининг маҳ-сулидир.

Ўтган асрнинг 70-Йил-ларида академик Яхё Гуломов раҳбарлигидаги бир гуруҳ қадимшунос-лар Бухоро шарифининг 6-шини аниқлаш мақсади-да қадимий шаҳримизда археологик қазишмалар олиб бордилар. Улар маҳобатли "Хиндлар кар-вонсаройи" биноси лой-девори сақланиб қол-ганлигини аниқладилар.

Р.ҒАНИЕВ,
Ўзбекистон Маданият ходимлари касабга уюшмаси Марказий кенгашининг Бухоро вилояти бўйича вакили

Миллий мафкура

Ислом КАРИМОВ:

Маънавият ўз халқининг тарихини, унинг маданияти ва вазифаларини чуқур билиш ва тушуниб етишга суянгандагина қудратли кучга айланади

Келажикка элтувчи нур

да она юртва муҳаббат, истиқлол гоиларига садоқат туйғуларини чуқур сингдириш масаласи бугунги кунда долзарб аҳамият касб этмоқда.

химоя қилиш баробарида истиқлол қадрини, озод тафаккур ва миллий ифтихор туйғуларини руҳий ва маънавий эҳтиёжга айлантиришимиз

тазийқ ва таҳдидлардан оғох этиш даркор. Зеро, миллий истиқлол гоюси нондек азиз ва муқаддасдир.

— Миллий гоя тарғиботи ни касаба уюшма ёъзоларининг маънавий бўлишига, дунёқараш негизига айлантиришга эришиш биз маънавият ходимларининг асосий мақсадимиздир, — дейди Маданият ходимлари касаба уюшма Марказий Кенгашининг Бухоро вилояти бўйича вакили Раҳимжон Ганиев. — Ана шу мақсад Президентимиз айтганларидек: "...халқни, миллатни бирлаштирувчи, йўлга бошловчи бамисоли бир байроқ. Бу байроқ бутун Ўзбекистон халқининг руҳини, гурур-ифтихорини, керак бўлса қудратини, орзу-интилишларини мужжасмлаштирувчи улўғ кучдир".

ДУНЁ ЯХШИЛИК УЧУН ЯРАЛГАН

"Маънавият — инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг куч-қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди". Маънавиятимиз бош хомийси Президентимизнинг ушбу эътирофлари бу борадаги эзгу ишларнинг дастуриламалидир. Қолаверса, мустақилликнинг илк кунларидан бошланган ва йилдан йилга тақомиллашиб бораётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини, аввало, маънавий мустақилликка интилиш ташкил этади. Президентимизнинг "Миллий гоя тарғиботи ва

маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги қарорига таъкидланганидек, она-Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, аъёна, урф-одатларимизни асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса, ёшлар қалби ва онги-

Қолаверса, халқаро майдондаги мафкуравий, гоъвий ва информацион хуружлар кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб ва таҳликали даврда маънавий-маърифий ишларга асосий эътибор қаратиш зарур. Маърифат билан ёшлар юрагига ўт ташлаб, турли мафкуравий хуружлардан уларни зарур.

Ёшлар тарбиясига бепарволик, мафкуравий курашдаги лоқайдлик тузатиб бўлмас оқибатларга олиб келиши мумкин. Шу боис тарбия бугун ҳаёт-момот масаласи эканлигини одамларга, кенг жамоатчиликка қайта-қайта тушунтириш, турли қоъвий

"Глобаллашган жамият" ибораси бугунги кунда кўпчилики ўзига оҳанрабодек тортиб олди. Айнан шу ҳолат XXI асрнинг техника тараққиёти асри эканлигини яна бир бор исботламоқда гўё. Биз айни пайтда Европага ҳавас билан қарамаймиз, чунки даргоҳларимиз-у хонадонларимизга замонавий информацион технологиялар бирин-кетин кириб келди ва айтиш жоизки, вақтимизнинг анчагина қисмини ҳам эгаллади. Бундан 20 йиллар муқаддам ҳатто тасавури-мизга сиғдиролмаган тараққиётнинг — ҳозирги "мева"лари ҳаётимизнинг узвий бир қисмига айланиб улгурди. Бунинг ижобий томонлари кўп, албатта. Аввало, Европа билан Осиёни туташтириб турган йўл миллиардлаб масофага қисқарди. Турмуш тарзини, ҳаётга бўлган қарашиларимиз ўзгарди, мақсадга эришиш йўлидаги тўсиқларни бартараф эта олишга бўлган ишонч мустаҳкамланди. "Одам боласи ҳар нарсага қодир" деган азалий тушунча амалда ўз исботини топди. Энг муҳими, аксарият кишилар информацион технологиялардан фойдаланишни йўлга қўйиш орқали яхшигина маблағ эгаси бўлиш ҳақидаги афсонани ҳақиқатга айлантирди. Қўриб турибмизки, буларнинг замирида моддий фаровонликка эришиш истаги устувор. Аммо бу мақсад инсониятнинг маънавий камолотга эришишига ҳам хизмат қила олармикми?

Журналист Олим Тўшбоев "Тафаккур" журналида чоп этилган "Глобаллашув зиддиятлари" номли мақолада шундай фикр юритади: "Инсоний тафаккурнинг ҳар жихатдан тақомиллашга эришиш бораётгани фантехниканинг мислиси тараққиёти, пировадарида, дунёнинг бир қадам қилиб қўйган глобаллашув жараёни — одамзотнинг ижтимоий ҳаётда қандай ўз қадри-

логат ёшига етган ва ҳаётда ўз ўрнини топишда муайян қийинчиликларга дуч келаётган ёшлар кўпчиликини ташкил этаётган бир пайтда муаммо теғрасиди "Ёшлар нега китоб ўқимай қўйди?" саволининг жавоби ҳам очиқлигича қилиб кетаяпти.

Сўнги беш йил ичида даромад олишдан бошқа мақсади бўлмаган йирик компаниялар томонидан "тақдим этилган" сериаллар ҳам, та-

лари ёппасига Ўзбек қизлари ўртасида модага айланиб кетганлиги, Мексика сериалларидаги турмуш тарзини ўзбек оилалари қабул қилаётгани ҳақидаги мулоҳазалар газеталарнинг еттакчи мавзусига айланаётганлиги миллий маданиятимизга аста-секин пугур етётганлиги аналитикларимизга Телевизор қаршида соатлаб ўтиришдан эринмаган, бозорга тушганда Пауланнинг

МАЪНАВИЯТСИЗ "ТАРАҚҚИЁТ"

ёхуд бир ёқлама "юксалиш" оқибатлари

ши мумкин?!" Келинг, савол баҳона мавзу борасида чуқурроқ мулоҳаза юритиб кўрайлик.

Ўқитувчимиз Камрон исми жияни ҳақида гапириб қолди. Эндигина етти ёшга тўлган бола "ўлдирман", "пешонандан дарча очаман", "мианнинг қатини чиқараман" деган пўисаларни жуда кўп ишлатаркан. Эътибор беришса, унинг ўйнаётган ўйинчоқлари Терминатор шаклидаги "одамча"лар ва танклар каби жангари фильм қахрамонларидан иборат экан. Бола тилидаги кўполлик, онгиди ҳар нарсага ўзравонлик билан эришиш мумкинлиги ҳақидаги тушунча, биринчи навбатда, у кўраётган фильмлар туфайли пайдо бўлган. У ўзида вужудга келган истакни ва айни пайтда ўзининг келажакда қандай инсон бўлиш орзуси борлигини шу ўйинчоқлари ёрдамида ифодалаб берган.

Хўш, ўзравонлиқни тарғиб этувчи бундай фильмлар болаларимизнинг беғубор дунёсига таҳдид солмаптимми? Авваллари ТВ дастурлари орқали бериладиган фильмларни уч-тўрт кунлаб кўтган бўлсак, энди антиги 300-400 сўм эвазига ижарага олинувчи дисклар истаган фильмни хоҳлаган вақтда томоша қилиш имконини бермоқда. Аммо... бундай фильмлар фарзандларимизнинг маънавиятига қанчалар зарар етказаяпти? Ана шу ҳусусдаги баъзи фикр-мулоҳазалар билан йўлга чиқдик.



Биринчи навбатда, маданият-тарғибот масаласи. Бирок, уч минг йиллик тарихий маданият, аслро оша сайқал топиб келган қадриятларига эга халқнинг қайтадан дурагай маданият "кашф этиши" бора-бора миллат таназулига сабаб бўлиб қолмасмикми? Ёки оддийгина қилиб айтганимиз бўлсак, ўзимизда классик аҳамиятга эга бўлган, фақат ўз маданиятимиз ҳақида ҳикоя қиладиган айрим фильмларимиз тўғрисида ҳам тўқинлиқ билан гапира олишимиз мумкин-ку.

Маданият тарғиботи масаласи ҳусусида сўз кетганда, сериалларнинг ҳаётимиздаги ўрни ҳақида тўхталмай ололмай йўқ. Ушбу сериаллар ахлоқ меъёрларимизнинг қай бирига тўла-тўқис мос келадими? Айни кунларда телевидение орқали қайта намойиш этилаётган "Сарой жовоҳири" сериали қахрамони Тангемнинг ҳаракатлари болаларимизнинг тақлиди, "Клон" сериалининг қахрамонлари, айниқса, Жадийнинг кийим-

кўйлаги ёки Гвадалупенинг костюмидан олишни режалаштирган ва айни дамда фарзандига икки бет китоб ўқитишга эринган онанинг мазкур ҳолатига яна қандай изоҳ бериш мумкин?!

Одатда маънавияти етук одам умрини нимага сарф қилишни, ҳаётга мазмун бағишлаш учун қандай сўй-ҳаракатлар қилиш кераклигини яхши билади. Аммо телевизор ёки компьютер қаршига тизилган, онги Фарб маданияти (тафаккури эмас!) руҳи билан сугориллаётган миллионлаб қорақўзларнинг саногига ета олмайсиз.

Бугун кўлида китоб ушла турган ўқувчилардан кўра компьютерда ўйин ўйнаётганлар сони кўпайиб бормаяптими, деган шубҳага борасан киши. Шундай шароитда маънавият ҳақидаги гап-сўзлар устинга ортилган оқдэк тўлолди. Йўқ, биз чет эл сериалларини кўрмаслик керак ёки компьютер, интернет деган умуман керак эмас, бизга фикрлардан йироқмиз. Аксинча ўзимизни дунёнинг интеллектуал салоҳияти ёшлари қаторига қўшимиз келлади. Аммо қалблар муҳаббат туйғуси билан сугорилмас ҳамда маънавият ҳақидаги гаплар шунчаки бўлиб қолаверар экан, бундай тараққиётдан ҳеч бир наф йўқ. "Меники" деган туйғу қачонки "Бизники"га айлангандагина миллат фарзандлари маънавий етук инсонлар сафига қўшилиди. Шундангина глобаллашувнинг таъсири йўқотишларимизга сабаб бўла олмайти.

Маъмура ҚУТЛИЕВА, журналист

Маданиятга эътибор шуми?

Қишлоқ оқшомларига ўзгача файз берган, ёшларнинг севимли гушаларига айланган клублар аҳоли қандай? Муассасалар маданий ҳордиқ масканларини бугунги кун талабларига қай тарзда тайёрлашди? Қолаверса, бу масканлар бугун ҳам гавжумми? Ана шу ҳусусдаги баъзи фикр-мулоҳазалар билан йўлга чиқдик.

Инсоннинг табиати қизик. Чарчаб-ҳориганда ҳам, кўнгиллар маҳзун торганда ҳам, дил севинчдан яраганда ҳам маданий ҳордиқ чиқаришга, дил чигалини ёшига интилади. Шаҳарларда бунга имкон бор. Қишлоқда-чи, маданият муассасаларининг аҳоли қандай? Клублар қай тарзда фаолият юритаёттир?

Мирзаобод туман Дехқонбод ДФХУ марказида жойлашган клуб биноси атғи йилгирма йил фаолият кўрсатди. Тўғри, у табиат силсилаларидан нурамади, довуларга дош бера олиш даражасида пишиқ-пухта барпо этилганди. Аммо балли нафс домни дехқонбодликларни севимли гушасидан айирди. Клуб учун таҳликали кунлардан хабардорми.

қиб, собиқ ҳўжалик балансидаги бинони бўлим хисобига ўтказиб беришларини сўраб юради. Бинонинг учинчи муҳлиси ҳам пайдо

гоҳларнинг саси бир кун ҳам жарангламади. Ваъда қилинган иш ўринлари яратилмади. Аксинча, пол, эшик, ромлар, саҳна, томоша ўриндиқлари, том бирин-кетин бузиб кетилди. Қўлга илинадиган, пулга қақиладиган бор бисот авасизларча талаб ташмаланди. Клуб соб бўлди, адо бўлди. Тўғри, муайян фурсатдан сўнг маъмурий идоралар аралашуви билан тадбиркор қонуний жазосини олди. Аммо бундан кимга фўй? Бугун қишлоқ ўртасида чўпдек клуб пойдеворларига нагша тегиб турибди.

— Қишлоқ ёшларининг бурчак-бурчакда тўдаланиб қолишига ана шу қамчилик

Бир аҳволдаги биноларнинг фаолиятини изга солишга на маблағ, на имкон бор. Мудир Обиджон Ҳамидовнинг фиғони фалакка чиқари. Қабул-топириш далолатномасига кўз ташлаб, ёқа ушлайсиз. Саҳна, ўриндиқ, эшик-роми йўқ биноларнинг деворларини қабул қилган. Бугун эса ушбу харобазорни сақлаш учун бир неча кишига маош тўлашга мажбур.

— Дўстлик ёрдамчи ҳўжалигидаги клубни сотилишдан аранг сақлаб қолдик, — дейди Мирзаобод туман ҳокимлиги маданият ва спорт ишлари бўлими мудири Обиджон Ҳамидов. — Тасарруфимизга ололма-сак-да, талон-торожликка йўл қўймадик. Ҳозир бу ерда турли кўнгликор тадбирларни ўтказаяпмиз. Тўғрақларимиз ишлаяпти. Клуб мудири Набижон Ҳакимов ташаббуси билан имкон қадар таъмирланаёпти.

Умрининг 30 йилни маданият соҳасига бағишлаган Набижон Ҳакимовдек фидоилар Гулистон, Ф.Юсупов ва И.Охунбобоев ДФХУда наҳотки топилмади. Ахир, бу эзгу йўлда фермерларнинг бошини қовуштириш мумкин-ку. Савоб учун бел боғлайдиган мардлар бу ерда наҳотки йўқ? Излаган имкон топади, дейишади. Мирзаободда чекка қишлоқларда мунгайиб турган маданият муассасалари фаолиятини жонлантириш имкони бор. Фақат ҳафсала қилинса, ки-фоя.

Нурилла ШАМСИЕВ, «Ишонч» муҳбири

МУНГАЙГАН КЛУБЛАР

бўлди. Бу Гулистон шаҳрида яшовчи тадбиркор эди. Анча фурсат масала ечим топмади. Охир-оқибатда мактаб ва маданият бўлими маънаватларини бирлаштириб, дастур ишлаб чиқиб, тақдим этишди. Қай бири ҳисобиде турса ҳам клуб халқ хизматида бўларди. Аммо қарор тадбиркор фойдасини кўзлаб чиқди. Клуб қопқалари мактаб учун ҳам, маданият муассаси учун ҳам ёпилиб, 140 минг сўмга тадбиркорга хусусий мулк сифатида сотиб юборилди.

сабаб, — дейди маҳалла оқсоқолларидан бири Эркин ака Фойлов. — Худудимизда кўнгликор маскан йўқ. Борининг ҳам қадрига етмадик, афсус.

Аммо тадбиркор ваъдаси бағирилмади. Бу ерда даст-

Абдуҳолик ГИЖДОВНИЙ: Умринг ўтар экан, мурувват айла, Кўнглинг тутар экан, саховат айла. Ўз ҳосилини ўзи ўрар ҳар қимса, Бас, парварши учун риёзат айла...

Мустақиллик, миллат, маънавият йўли гоит машаққатлидир. Аслида маънавият халққа барча умуминсоний тушунчаларни англаштириш эгона мезони бўлиб келган. Шу боис маънавий етук инсонгина мустақиллик ва миллат нима эканлигини англаб етати. Маънавий етуклигининг асоси эса мазий ҳақиқатларини англаш, аждодларнинг ўлмас хотираларини эъзолаб, истиқлол қадрига етмоқликдир. Тарихга назар ташласак, ҳар бир халқнинг ўзига хос тарихи, ўтмиш маданияти бор. Биз эса бой тарихимиз, буюк аждодларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Айни пайтда ёшлар қалбига муносиб ворислик туйғусини шакллантириш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир. Сурхондарё вилояти маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш давлат инспекцияси раҳбари П. Жўраева муҳбиримизга бу борада амалга оширилаётган ишлар ҳусусида қуйидагиларни сўзлаб берди.

Президентимизнинг "Миллий гоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги қарорига таъкидланганидек, мамлакатимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, аъёналаримизни асраб-авайлаш, ёшлар қалби ва онгига Ватанга муҳаббат, истиқлол гоиларига садоқат туйғуларини чуқур сингдириш масаласи бугунги кунда долзарб аҳамият касб этмоқда. Мустақилликнинг ўтган даврида биз ўзимизнинг, ўзалигимизни англадик. Оқсон тарихининг гувоҳлик беришча, ўлкамиз ўзининг оз минг йиллик зарваракларига эга. Она заминимиз не-не фотиҳларни кўрмади, не-не истилочиларнинг зулми остида топталмади. Лекин ҳар доим жуда қисқа вақт ичида қайта тикланди, яна янги тараққиёт йўлига кириб борди. Мамлакатимиз жануби Сурхондарё мазийида ҳам, ҳозир ҳам ўзининг табиий, моддий, маданий бойликлари билан кўлаб

халқларни мафтун этиб келган. Қоратоғ, Сурхон, Шеробод дарёлари ҳавзаларида ястанган қадимий ўлкалар - Термиз ва Чағонийнинг турли замоналарда яшаб ижод қилган олим муассасалари, шоирлар хоналари, дари яратган илмий, адабий ва мазморий ёдгорликлар жамия-ша сайёҳлар эътиборини ўзига жалб қилган. Бизга маълум ва машҳур улуглар қаторида шу пайтгача номлари қайд этилмаган алоомлар ҳам кўп экан.

Утган азиз-авиллар ҳақида тўла маълумотларни кенг жамоатчиликка маълум қилиш, аждодларимиздан қолган ёдгорликларни таъмирлаб, асраб-авайлаш ҳаётий заруратдир. Сурхон воҳаси жуда катта маданий меросга эга бўлиб, унда жаҳонга машҳур археология, тақдорланмас архитектура обидлари мумассас. Улар қадимий тош даврдан XIX асрга қадар бўлган маданият дурдоналарини ўз ичига олган. Бу эса Марказий Осиё, қолаверса, кўна Шарқ тарихи ва маданиятини ўрганишда жуда муҳимдир. Маълумоти, жонаҳон

лик тарихий ва маданий ёдгорликларга бой халқ бўлмаса керак. Хусусан, Сурхон заминидан топилган неохолонг ёдгорликлари, Санкт-Петербург шаҳридаги Эрмитажда сақланаётган палеолит даврига оид неандертал одамнинг бош суяги, Давларзиптепа, Холчаён, Қоратепа, Фаёзтепа ва Жарқўтондан топилган қадимий тангалар, олтин безаклар, хунар-мандчилик ва кулолчилик буюмлари, Будда хайкаллари,

ЯГОНА барча умуминсоний

Ватанимиз худудиде археологик қидирув ишлари олиб бораётган аксарият халқаро гуруҳларнинг фаолияти бевосита Сурхон воҳаси билан боғлиқ. Кўна Термиз ёдгорликлариде қазий ишларини олиб бораётган ўзбек-француз, Бақтияр-Қоратепа буддавийлик ибодатхонасини ўрганиш мақсадида ташкил этилган ўзбек-япон, Шеробод туманидаги Жарқўтон ёдгорлигидаги ўзбек-олмон, Давларзиптепадаги ўзбек-япон, Музробот туманидаги Кампиртепа ёдгорликлариде ишларини олиб бораётган Ўзбекистон-Россия халқаро гуруҳлари шулар жумласидандир.

Ватанимизнинг ҳар қарич тупроғи буюк ўтмишимиздан ҳикоя қилади. Дунёда бизча-шаҳарсозлик ва давлатчиликка оид топилмалар тўғрисида томот китоб йитилган. Мустақиллик шарофати билан маданий мерос объектларимизга қайтадан янғича ҳаёт бахш этилмоқда. Айниқса, Термиз шаҳрининг 2500 йиллик тантаналари арафасида вилоятимиз, шаҳарларимиз қўрғиға кўрк қўйиш билан бир қаторда маданий мерос объектларимизни, хусусан, Термиз тумани худудиде жойлашган Султон Саодат мажмуаси, Қокилдор ота хонақоси, Қирққиз миносари, Ал-Ҳаким ат-Термизий мажмуаси ва шаҳар худудидеги А. Невский христианлар ибодатхонасида таъмирлаш-тиклаш, бекас бериш билан бир қаторда атрофларини ободонлаштириш, уларга олиб бора-

